

лен, жеңил санаатта 46 мың, қурылыста 104 мың, металл ислеп шығарыўда 71 мың, хызмет көрсетиў тараўында 67 мың қәнигелер жетиспей атырғанлығы анықланды. Бул тәлим хәм ислеп шығарыў ортасында байланыстың хәм жақын бирге ислесиўдиң жоқ екенлигинен жүз берип атырғанлығы хәс кимге сыр емес.

Сол себепли питкериўшилерди жумысқа жайласты-

рыў ямаса өз бизнесин жолға қойыўда билимлендириў мәкемелериниң тийкарғы өлшемлери болыў керек екенлиги атап көрсетилди. 2017-жылда қайта тикленген 10-11-класс болажақ қәнигелер ушын оқыў ислеп шығарыў комплекслери тоқтатылды. Буның есабынан артып қалған қаржылар жаңа профессионал тәлим системасын қаржылардырыўға бағдарланды.

Әдебиятлар

1. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққийети ва халқ фаровонлиги гарови” темасындағы Өзбекстан Республикасы Конституциясы қабылланған күниниң 24 жыллығына бағышланған баянаты. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 48-б.
2. Өзбекстан Республикасы Президентиниң 2017-жыл 7-февралдағы пәрманы менен тастыйықланған «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси».
3. Өзбекстан Республикасы Нызамы «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида (янги таҳрири)». 2016-жыл 13-апрель.
4. Инновацион таълим технологиялари / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015.
5. Ишмухамедов Р. ва б. Таълимда инновацион технологиялар. -Т.: «Истеъдод», 2008.
6. Палий В.Ф. «Теория бухгалтерского учета»: современные проблемы. - М: «Бухгалтерский учет», 2007, -С.11.
7. Данилов А.С., Юлдашев З.Ю. Национальная экономика. – Т.: «Янги аср авлоди», 2003.

РЕЗЮМЕ

Мақолада касб-хунарға йўналтирилган таълимнинг афзалликлари ҳақида маълумот берилди. Профессионал таълимнинг мутахассис ҳаётида катта аҳамиятга эга эканлиги, ундаги қизиқиш ва қобилят билан чамбарчас боғлиқ. Жамиятимиздаги ишсизлик муаммоси иш берувчи билан ўрта ва ўрта махсус муассасаларининг биргаликда иш олиб бормаслиги оқибатида вужудга келганлиги такидлаб ўтилди.

РЕЗЮМЕ

В статье дается обзор преимуществ профессионального образования. Важность профессионального образования в жизни специалиста тесно связана с его интересами и способностями. Было отмечено, что проблема безработицы в нашем обществе является результатом отсутствия сотрудничества между работодателем и учреждениями среднего и среднего специального образования.

SUMMARY

The article provides an overview of the benefits of vocational education. The importance of professional education in the life of a specialist is closely related to his interests and abilities. It was noted that the problem of unemployment in our society is the result of a lack of cooperation between the employer and institutions of secondary specialized education.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИНИ БАДИИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

Б.Ж.Қоржовов – катта ўқитувчи

Қарши давлат университети

Таянч сўзлар: бадиий таҳлил, ижод, илҳомланиш ҳодисаси, ижодий услуб, истеъдод, тасвирий санъат, илмийлик.

Ключевые слова: художественный анализ, креативность, вдохновение, креативный стиль, талант, изобразительное искусство, научность.

Key words: literary artistic analysis, creativity, inspiration, creative style, talent, art, scientific, character.

Санъат миллат маданиятининг энг олий ифода-ларидан ҳисобланади. Халқимиз (Аждодларимиз) томонидан яратилган маданий ёдгорликлар, номдодий маданий мерос объектлари, урф одат анъана ва қадриятлар санъат воситасида ўсиб келаётган ёш авлод қалбига, онгу шуурига сингдирилади. Шундай санъат турларидан бири бу тасвирий санъатдир. Унинг ифода воситалари ва қамров имкониятлари шу даражада кенги, мусаввирлар тасвирий санъатнинг турли оқим ва йўналишларида ижод қилиб бетақроқ санъат асарларини яратиб келишмоқдалар. Мўъжизавий тасвирий санъат асарларининг сеҳри, жозибаси, сири, ғоявий ва мантиқий асосидаги бадиий ҳамда ҳаётий мазмунини англаш учун уларни илмий жиҳатдан ҳаққоний ва малакали таҳлил қилиниши зарурдир. Санъат асарида юксак мазмун, моҳият ва мантиқийлик ўз ифодасини топмаса у инсон қалбини жунбўшга келтирувчи санъат даражасидаги асар ҳисобланмайди. Бу ҳақда Арасту бундай дейди. “Мусаввирликда ҳам шундай (қонуният бор), рассом ўз ишига моҳир бўлиши мумкин, аммо уни ҳар қандай тасвири учун эмас, балки гўзал намуналардан қолишмайдиган тасвирлари учун мақтайдилар” [1:20].

Бугунги кунда тасвирий санъат машғулотларида асарларни бадиий, илмий ўрганишга эътибор ғоятда суст бўлганлиги сабабли, ўқувчиларнинг санъат асарлари ҳақидаги фикрлари қарашларида катта бўшлиқ пайдо бўлиб қолмоқда. Бу ҳолатни бир неча авлод вақилларида ҳам кузатиш мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири асарларни таҳлил қилиш йўллари, бу борадаги билимлар мажмуи ва ўқитишнинг илгор педагогик ва ахборот технологияларидан фойдала-

нишнинг самарали йўллари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлигидир. Зеро, бугунги глобаллашув жараёнида барча фанлар қатори тасвирий санъат дарсларида асарларни бадиий таҳлил қилишни замонавий асосда ўқитиш ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаши ва илмий дунёқарашини ўстиришда муҳим ҳисобланади. Ўқувчилар асарларни бадиий таҳлил қилиш йўллари ўзлаштиришмаса, ҳақиқий санъат асарлари, уларнинг мазмун моҳиятини тушиниб ета олишмайди, шунингдек, мукамал санъат асарлари ярата олиш имконига ҳам эга бўлмайдилар. Маълумки, барча санъат турлари қаторида тасвирий санъат ҳам инсоннинг эстетик диди, эзгу фазилатларининг шаклланишида ва гўзал орзу истакларининг яралишида муҳим ўрин тутди.

Ўқувчилар санъат асарларини моҳиятини англаб етмаса, ундан маънавий қувват ҳам олаолмайди ва натижада санъатга, маданиятга эътибор мутлоқа бўлмайди. Санъат асарларини тушуниш, англаш, уни ўқий олиш ўқувчининг нафақат маданиятга балки унинг онги-тафаккурига ижобий таъсир этиб, ҳаёт ҳақида таасуротларини жамлашга ёрдам беради.

Таълим муассасаларида тасвирий санъат тарихи ва назарияси фанлари орқали, ўқувчиларга асарларининг бадиий таҳлили қисқача ўргатилиб кетилади. Бироқ бадиий таҳлил асосларини ўргатадиган фанларнинг мазмуни, ўқитиш шакли ва методларининг замон талабларига мос тарзда ишлаб чиқилмаганлиги сабабли санъатни тушуниб таҳлил қила оладиган педагог кадрлар тайёрлаш масаласида камчиликлар мавжуд. Оқибатда эса умумий ўрта таълим мактабларида тасвирий санъат машғулотларининг ҳам сифат

даражаси жуда паст. Бадий асар мохиятини тўла англамаган педагог, ўқувчилар маънавиятининг шаклланишида яхши натижага эриша олмаслиги айни ҳақиқатдир. Умумий ўрта таълим мактаблари тасвирий санъат машғулотида санъат асарларининг мохияти ўқувчиларга ўргатилмасдан қолиб кетмоқда. Умумий ўрта таълим мактабларида ҳафтасига бир соатлик дарс машғулотида керакли даражада билимларни етказиб бера олинмаяпти. Санъат мактаблари фаолият юритаётган бўлсада, бироқ санъат асарларининг мазмун мохиятини англайдиган ва ўқувчиларга маҳорат билан ўргата оладиган малакали мутахассислар озлиги ва методик қўлланмаларнинг мавжуд эмаслиги сабабли кутилган натижаларга эришилмаяпти. Мактабгача таълим муассасаларида ўқувчилар кўплаб бошланғич тушунчаларни яъни шакл, тасвир ва мазмун уйғунлигини тасвирий санъатдан ўрганишади. Ўқувчилар чизишган оддий тасвирларда характерлари мужассам бўлади, бундан келиб чиқган ҳолда тарбиясига эътибор берилса яхши самара беради. Бироқ ҳали аниқ кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилмаган. Демак мактабгача таълим муассасалари учун ҳам ўқув услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиши зарурдир.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак мактабларда ҳафтасига тўрт соатгача тасвирий санъат дарслари ўтилади, бу бежиз эмас албатта. Бунинг натижасида ўқувчиларнинг санъат ҳақидаги қарашларида, эстетик дидининг ўсиши ва ҳаётга бўлган муносабатларида ҳам сезиларли даражада янгилаш ёндашувларга эришилади.

Демак бадий таҳлил асосларининг илмий, назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқилиши зарурдир. “Бадий таҳлил асосларининг” ўзига хос тадқиқот методлари ҳам мавжуд. Чунончи, кузатиш, таҳлил қилиш, далиллаш, умумлаштириш, илмийлик, мантикийлик, шартлилик, психологик асосланганлик сингари методлар мазкур фанга доир хулосаларни чиқаришда қўлланиладиган илмий-тадқиқот усуллари.


Бизга маълумки, тасвирий санъат анча мураккаб фаолият турларидан ҳисобланади, айниқса санъат асари яратилиши юқори даражадаги фаол ақлий меҳнат ва ижодий жараёндир. Яратилган санъат асарларининг барчасини ҳам бирдек санъат асари даражасига олиб чиқиладиганлигининг сабаби ҳам эҳтимол шундадир. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, санъат асарларини бадий идрок этиш жуда мушкулдир. Айрим санъат асарларидаги символлар, тимсоллар шу даражада ўз ўрнида ифодаланиладигани, бу кишини ҳайратлангирмай қолмайди. Бази санъат асарларидаги теран маънони, мохиятни бошқа санъат турлари билан ёки бошқача тарзда тасвирлаб беришнинг имкони бўлмайди. Санъат асарларининг яратилиши билан боғлиқ мана шундай қарашларни биз К.П. Брюллов, М.А. Врубел, В.А. Серов, К.А. Коровин, А. Абдуллаев, Ў. Тансиқбоев, З. Иноғамов, М. Набиев, Р. Аҳмедов, Б. Жалолов, А. Мирзаев, каби кўплаб мусаввирларнинг ижодида, уларнинг яратган асарларида кўришимиз мумкин. Уларнинг яратган асарлари бутун дунё халқлари томонидан катта қизиқиш билан қарши олиниб келинган. Санъатшунос олимлар томонидан кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилиб, санъатнинг тарихийлик асослари, образлар таркиби, инсон оламининг руҳий ҳолатларига таъсири масалалари кўрсатиб берилган.

Бунда оддий томошабин кўра олмайдиган жиҳатларни мусаввир кузатувчанлиги, маҳорати, фазовий тасавури ва истедоди туфайли мана шу тасвирий санъат асарларида акс эттириб, намоён қилиб бера олишади.

Санъатнинг яна энг муҳим жиҳатларидан бири

барча миллат вакиллари тушуниб, уларга бирдек завқ бера олиш имконига эғалигададир. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, санъат асарлари орқали миллатлар ўртасида рамзий сўзлашиш, фикр алмашишга ҳам катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Раҳим Аҳмедовнинг “Она ўйлари” номли асарини бадий, фалсафий ва илмий, таҳлил қилиш орқали, шакл, тасвир ва мазмун уйғунлигини, шунингдек, ижод жараёнида илҳомланиш ҳодисасининг намоён бўлишини кўришимиз мумкин. Бунда рассомнинг санъат атрибутларини асар мазмунига мос ҳолатда ўз ўрнида қўллаш олиш маҳорати, рангларнинг рамзий маъноларидан унимли фойдаланилганлиги алоҳида эътиборга молик жиҳатлари ҳисобланади. Шу билан бирга асарда ажойиб топилмалар ҳам борки бу асарнинг яратилиши жараёнида рассомнинг илҳомланиш лаҳзаларини бошдан кечирганлиги ҳақида таъминот беради. Буларни биз куйида айрим санъат атрибутларининг қўлланилишида яққол кўришимиз мумкин бўлади.



Мусаввир Р.Аҳмедовнинг “Она ўйлари” асаридаги асосий элементлар. 1. Она образи. 2. Ҳовлига экилган гул. 3. Уй. 4. Болиш (ёстик). 5. Тоғлар. 6. Дарахт танаси.

Инсоният, унинг кечмиши, хоҳиш истаклари, орзу умидлари, зоҳирий ва ботиний олами мусаввирлар асарларида ҳам ранг, шакл, тасвирлар орқали кашф этилади.

Раҳим Аҳмедов ушбу асарида она образини акс эттириш орқали унинг ички ва ташқи оламини кашф қилишга ҳаракат қилади ва бунга ҳақли равишда эришади.

Раҳим Аҳмедовнинг “Она ўйлари” асари 1956 йилда яратилган бўлиб, бу асар шу даражада мукаммал ишланганки, унда тасвирий ва бадий ечим, уйғун ҳолатда моҳирона ёзилган. Асарга эътибор қилсак ҳовлида ёлғиз онанинг азим дарахтга, болишга суяниб, қўлларини тиззаларига қўйиб мунгли бир қиёфада кўзларини бир нуктага тикканча ўтиргани тасвирланган.

Бу она нималарни ўйлаб ўтирган экан, ўй ҳаёлларида нималар кечмоқда экан?, деган фикр томошабиннинг ҳаёлига қелиши табиий. Чиндан ҳам Р.Аҳмедовнинг “Она ўйлари” асари ўзининг ички кечинмаларга бойлиги билан характерланади. Эҳтимол рассом бу асарни онанинг ўтирган ҳолатида шу жойнинг ўзида барча элементлари билан биргаликда тасвирлагандир. Бироқ асарни композицион таҳлил қилиб фалсафий психологик жиҳатдан ўрганадиган бўлсак, асардан бир қатор бадий мазмун ва мантикий хулосалар келиб чиқади.

Асарни кузатар эканмиз, авволombор, бош қахрамон она образига эътибор қаратиш керак бўлади. Бунда онанинг ўз ўтмишини-кўрган кечирганларини ҳаёт

фалсафасини чукур мушоҳада қилиб ўтиргандек таассурот уйғотади. Юзидаги ажинлар эса умри мобайнида минг бир машаққатларни кўрган кечирганлигидан далолат бериб турибди.

Бир қарашда асар композицияси оддий тасвирий ечимга эгадек, унда олис тоғ қишлоқларидаги ҳовлилардан бири тасвирланган. Асарнинг биринчи планида она образи, кейинги планларда эса дарахт, ҳовли, тоғлар ва осмон тасвирланганини кўришимиз мумкин. Лекин асарнинг бадий ечимида шу даражада юксак ифодаларни кўришимиз мумкин бундан хайратланмасликнинг иложи йўқ. Асарда она образининг (персонаж)нинг ички олами, ўй фикрлари, кечинмалари билан бирга санъат атрибутлари ўртасида яхлит композицион уйғунлик мавжуд. Санъат атрибутлари ёрдамида бадий, мантикий жиҳатлари она образига (персонаж) мос равишда таъсирчан, тўлақонли акс эттирилган.

Ҳовли ичида кўкариб турган гулга эътибор берадиган бўлсак. Бу гул фарзандларининг йўлига интизор ёлғиз онанинг қалбидаги илинж, ишонч, умид сифатида намоён бўлади. Онанинг иккита фарзанди уришга кетган ва қайтиб келмаган эди. Бироқ она фарзандларини ҳали хануз умид билан кутаётгани тасвирланган. Онахон елкалари билан суяниб ўтирган иккита болишни иккита фарзандига рамзий манода қиёслаш ҳам мумкин, зеро улар онанинг ишонганлари суянчлари эди. Мана шундай қайғу ичида онахоннинг кўнглига сиғдириб ҳовлига гул экиб уни парвариш қилиши бу мушкул бўлган бир ҳолат деб қараш мумкин. Шундай бўлсада, мусаввирнинг гулни тасвирлаши, бу асардаги бадий моҳиятини янада ошириб юборади. Мусаввир онанинг бошидан кечган воқеаларни яхши билган албатта. Азим дарахт тимсолида онахоннинг ҳаёти, ўтмиши, бугуни ва келажаги инсонийлик фазилатлари буюкликка, мангуликка даҳилдор эканлигини ифодалайди. Сувоқталаб эски уй ва тоғларнинг рангларидаги рамзий маъноларда ҳам, нур ва соя ўйинида ҳам онанинг

мунгли қиёфасига дарду қайғусига мос ҳолатни гул билан бирга уйғун маъноларни ўқиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда бу асарда шарқона бир қиёфа, матонатли, сабр бардошли, қўллари қадок, меҳнаткаш донишманд аёлни кўрамиз. Асарнинг бу даражада тасирчан чиқишига, рассомнинг ўзи ҳам уруш даҳшатларининг гувоҳи бўлганлигидадир.

Санъатшунос Зилола Носирова бу асар ҳақида бундай фикрларни айтиб ўтади. Бу асарни Леанордо да Винчининг “Монализа” асарига, Рафел ва Микеланджелонинг “Мадонналари” қаторига қўйиш ҳам мумкин. Чунки ҳақиқатдан ҳам, агар бу ерда Европа рассомларида аёлларини ўша мадонналари гўзал ишланган бўлса. Аммо Раҳим Аҳмедов айнан шарқ аёлининг донишмандлигини юқори қўйган ва шу асосида шарқ аёлларининг гўзаллигини етказиб бера олган.

Бу асардаги ранг, шакл, тасвир ва мазмун уйғунлиги Раҳим Аҳмедовнинг ижодий услубигагина хос деб бемалол айта олишимиз мумкин.

Демак Раҳим Аҳмедовнинг маҳорати, малакаси, ва истедоди мана шу “Она ўйлари” асарида яққол намоён бўлган.

Бундай санъат асарларининг яратилиш жараёни, рассомнинг ижодий фаолияти, ва асарларни бу даржада моҳирона тасвирланишидан хулоса қилиб шу нарсани ҳам айтишимиз мумкин. Санъат асарларининг яратилиши, унда ижодкор услуби илоҳий илҳомланиш лаҳзаларини таҳлил ва тадқиқ қилиш муҳимдир.

Бадий таҳлил асосларини олий ва ўртамаҳсул таълим муассасалари тасвирий санъат машғулотида аниқ тизим асосида чуқурлаштириб ўтилса ёшларнинг маънавий тарбиясида ижобий натижаларга эришилади. Умумий ўрта таълим мактаблари учун ҳам тасвирий санъат асарлари жамланмасини яратиб альбом тарзда қўшимча адабиётлар ҳам тақдим этилиши зарурдир. Демак бошқа фанлар қатори тасвирий санъатда ҳам янги авлод адабиётини яратиш бугунги кунда энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Арасту. Поэтика. Ахлоки кабир. Риторика. -Т.: «Янги аср авлоди», 2011, 154-б.
2. Булатов С., Толипов Н. Гўзаллик фалсафаси. -Т.: Фан ва технология, 2008.

Ушбу мақолада тасвирий санъат асарларининг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти, асарларни бадий, илмий таҳлил қилиш асосларининг долзарблиги ҳақида сўз боради. Шунингдек, Раҳим Аҳмедовнинг “Она ўйлари” асари таҳлил қилиниб, булар ҳақида бадий, фалсафий, мантикий хулосалар, асослар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы актуальности художественного и научного анализа произведений изобразительного искусства в воспитании молодёжи. Также проанализировано произведение «Материнские мысли» Рахима Ахмедова и даны художественные, философские, логические выводы и основания.

SUMMARY

The article discusses the importance of the literary-artistic and scientific analysis of works of art in the education of the youth. The author also analyzed the work "Maternal Thoughts" by Rakhim Akhmedov and gave artistic, philosophical, logical conclusions and foundations.

ТАЪЛИМНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА РАҲБАР КАДРЛАР БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ

Ғ.Р.Отамуродов – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Ё.С.Эргашев – физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори

Олий таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик маркази

Таянч сўзлар: ахборот, технология, раҳбар, компетентлик, интеграция.

Ключевые слова: информация, технология, лидер, компетентность, интеграция.

Key words: information, technology, leader, competency, integration.

Таълимни ахборотлаштириш ҳозирги кунда жамият тараққиётининг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ахборот технологияларининг тараққий этиши ва ривожланиши таълимни ривожлантиришнинг замонавий ва уни ташкил этишдаги кўп сонли ёндашувларда муҳим аҳамиятга эга. Биринчи навбатда у таълим муассасаларининг инфраструктурасини, яъни таълим муассасасининг ахборот муҳитини ривожлантиришга қаратилади. Бунда замонавий ахборот сервисларини татбиқ этиш ва улар-

дан самарали фойдаланиш назарда тутилади. Замонавий ахборот технологияларининг таълимдаги муҳим вазифаларидан бири шундаки, у алоҳида педагогик масалаларни ечишда ишлатиладиган инструмент вазифасини бажариш билан биргаликда таълим беришнинг инновацион имкониятларини таъминлайди, дидактика ва методикани ривожлантиришга ҳамда ўқитиш ва таълимнинг замонавий шакллари яратишда муҳим аҳамият касб этади. Ахборот технологияларининг ривожланиши ва унинг таълим жараёнига кенг татбиқ